

Сафвон ибн Сулаймнинг парҳезкорлиги



07:10 / 26.04.2019 3638

Сулаймон ибн Абдулмалик Мадинага келди. Умар ибн Абдулазиз у ерда хизматда эди. Сулаймон ибн Абдулмалик одамларга пешин намозини ўқиб бериб, сўнг меҳробга суянди. У одамларга юзланиб, Зухрийни кўрди, лекин уни танимас эди. Умар ибн Абдулазизга: «Умар, анави одам ким? Бундай истараси иссиқ, юзи нурли одамни энди кўришим», деди. Умар: «Эй мўминларнинг амири, бу Сафвон ибн Сулайм Зухрий», деди.

Сулаймон ибн Абдулмалик хизматкорига ҳамёнга беш юз динорни солиб келишни буюрди. У ҳамён билан қайтиб келгач, «Анави намоз ўқиётган одамни кўряпсанми? Буни ўша одамга олиб бориб бер», деди. Хизматкор Сафвон ибн Сулаймнинг ёнига бориб ўтирди. Сафвон салом бериб, намозини тугатгач, хизматкорни кўриб, «Менда ишинг борми?» деб сўради. Хизматкор: «Халифа мана бу ҳамённи сизга бериб юбордилар. Эҳтиёжингизга, оилангизга ишлатар экансиз», деди. Сафвон унга: «Халифа менга жўнатмаган, адашяпсан», деди. Хизматкор: «Сиз Сафвон ибн Сулайммисиз?» деди. У: «Ҳа, мен Сафвонман, лекин халифа сени менга жўнатмагандир, бориб, яхшилаб аниқлаб кел», деб уни қайтарди. Хизматкор ҳамённи узатиб, «Хўп, сиз буни ушлаб турунг, мен бориб, аниқлаб келаман», деган эди, Сафвон: «Уни ушласам, олган бўламан. Сен бориб, аниғини билиб кел, мен шу ерда ўтираман», деди. Хизматкор кетиши билан Сафвон оёқ кийимини кийиб, чиқиб кетди. Шундан кейин халифа шаҳардан кетгунига қадар унга кўринмади.

«Солиҳлар гулшани» китобидан